

Триггерлар ва уларнинг турлари (RS – D – JK триггерлар)

Режа:


1. RS-ТРИГГЕР

Икки турғун электрон вазиятли электрон қурилмалар триггерлар ҳисобланади. Бир турғун ҳолатдан иккинчисига ўтиш, чиқиши импульслари таъсирида юз беради. Ҳар бир триггернинг ҳолатига ўзига мос белгиланган чиқиши кучланиши меёри түғри келади, бу эса ҳисоблаш техникасида рақамли маълумотларни сақлаш учун кенг қўлланилади. Ўз навбатида триггерлар, асосан импульсли ҳисоблагичлар, частота бўлгичлар, дешифраторлар ва бошқа кўп функционал микросхемаларнинг асосини ташкил қиласиди.

Ҳаваскор рақамли техникаларда RS-, D-ва JK-триггерлар деб номланадиганлари қўлланилади. Бу мантикий қурилманинг ўзи нима, унинг электрик ҳусусиятлари ва ишлаш принципи нимага асосланган? Триггерлар оиласига мансуб RS-триггеридан бошлаймиз.

RS-ТРИГГЕР

Шу заҳоти аниқлик киритамиз: K155 серияли микросхемали RS-триггерлар мавжуд эмас, K155ЛА3 миросхемали 2ВА–ЙЎҚ мантикий элементлар. RS-триггер вариантли схемалар қуйидаги 1 – расмда келтирилган. Уни иккита элемент, бир–бири билан кесишган кириш ва чиқиш орасидаги тескари боғлиқликга эга бўлган 2ВА–ЙЎҚ элементлари ҳосил қиласди. Триггернинг иккита мустақил кириш ва чиқишлар бор. Биринчи кириш – чиқиш бир DD1.1 элементидан, иккинчи чиқиш DD1.2 5 та элементдан, чиқишлар эса шунга мос равишда 3 ва 6 шу элементлардан мавжуд.



a)

<i>S</i>	<i>R</i>	<i>Q</i>	\bar{Q}
0	0	1	1
0	1	1	0
1	0	0	1
1	1	X	X

b)

1 – расм. Намуна RS-триггери

RS-триггерининг ишини яхшироқ тушуниш учун, макет панелида схемада кўрсатилган деталларни йиғинг ва бир неча тажриба ўтказинг. Триггернинг ҳолатини ифодоловчи (индицировать) светодиодлар ўрнига бизга маълум, чўғланма лампали транзисторли индикаторлар қўллаш мумкин. Триггер элементларини ҳолатини, чиқиш элементларига вақт вақти билан улаб ўзгармас ток вольтметр ёрдамида ифодолаш мураккаб эмас. Кўшиб ажартадиган ўчириш тугмаларининг ўрнига, триггернинг киришига нисбий кутбланиш кучланишини нусхаловчи (имитировать) бир бўлак электр симини қўллаш мумкин.

Триггер тажриба монтаж схемасини таққосланг ва унда хатоси йўқлиги, уланишлари ишончлилигини ҳосил қилиб манбага уланг. Дарҳол светодиодлар бири ёниши керак. Бу эса, HL1 светодиод дейлик. Шундай қилиб, биринчи бўлганлардан DD1.1. элементи ҳисобланади, ва вольтметр тасдиқлайди, ҳамда унинг чиқиш учлариларига уланганда 3 тасида юқори даражали кучланиш пайдо бўлиши керак. DD1.2 элементини чиқиш кучланишини ўлчанг ва бу ерда паст даражали кучланиш, шунинг учун HL2 светодиод ёнмайди.

Натижаларни ёзиб боришдан мақсад, SB1 тугмасини контактини қисқа муддатда қўшилади. Нима ўзгарди? Хеч нима. Аввалгидек, факат HL1 светодиод ёнади. Агар сиз SB2 тугмасини қисқа муддатда боссангиз? Дарҳол HL1 светодиоди ўчади ва HL2 ёнади. Энди DD1.1 элементи ноловой ҳолатда бўлади, DD1.2 эса биргина яъни ягона ҳисобланади. Бу ҳолатда, элементлар вақтинча бўлиши мумкин, шунинг учун ҳозирча манбани уламанг. Лекин яъна бир бор SB1 тугмасини босганда ва элементлар тескари ҳолатда қўшилади.

Триггерни ишини тажрибадан ўтказиш керак. Мантикий элементларга манба берилиш пайтида улардан бирига биринчи бўлиб нол ҳолатда бўлади. Мисол учун бу DD1.2 элементи эди. Бу вактда, изланишлар, DD1.1 элементини 2 та чиқиш учларилари, DD1.2 элементини 6 та учларилари билан уланган, паст даражали кучланиш пайдо бўлади, улардан бири ўрнатилган элементлар HL1 светодиоди бирламчи ёнади. DD1.1 элементини (SB1 тугмаси) чиқиш учларида импульс берishiда манфий кутблари унинг ҳолатини ўзгартириши мумкин эмас, қанчаки бу вактда унинг иккинчи чиқиш учлариларида паст даражали кучланиш бор эди.

Навбат билан кириш занжирини тугмаси босилганда, турли триггерни бир турғун ҳолатидан иккинчи турғун ҳолатига қўшиб ажратиш, шунингдек унинг чиқишига уланган рақамли ҳар хил қурилма ва асбобларни бошқарса бўлади.

Мантикий RS-триггерининг ҳолати, унинг лотин алифбосидаги Q ҳарфи билан белгиланадиган тўғри чиқишидаги сигнал даражаси орқали тавсифланади. Тажрибадаги триггернинг Q чиқиши микросхемаларнинг З чиқиши хисобланади. Агар бу ерда юқори даражали кучланиш бўлса, демак триггер яхлить бирламчи ҳолатда бўлади, агар паст даражали кучланишда эса нол ҳолатида бўлади.

Триггернинг бирламчи ҳолатида, унинг иккинчи чиқишида паст даражали кучланиш бўлади, унинг нол ҳолатида эса иккинчи чиқишида юқори даражали кучланиш бўлади. Шунинг учун бу чиқиш шундай \bar{Q} ҳарф билан белгиланади, лекин \bar{Q} ҳарфининг тепасидаги чизик унинг инверслигини билдиради.

Бирламчи ҳолатга ўрнатилган триггернинг кириш учлари S ҳарфи билан белгиланади (инглиз тилидаги Set – қурилма сўзининг биринчи ҳарфини билдиради). Нол ҳолатига ўзгартирувчи триггерларнинг кириш учлари R ҳарфи билан белгиланади (инглиз тилидаги Reset – қайтариш сўзининг биринчи ҳарфини билдиради). Тажриба триггерининг микросхемаларидағи 1 чи оёқчалари S – кириш деб, 5 чи оёқчасини – R кириш деб қабул қилиш мумкин.

Тажриба триггерни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказувчи импульс қутблари манфий бўлганлиги учун S ва R киришларини устига чизикча қўйиб ёзиш мумкин. Демак \bar{S} ва \bar{R} тепасида чизикли белгили бу инверс хусусиятга, худди шу вариантдаги RS–триггери эса ўрнатилган киришли асинхрон хусусиятига эга.

Триггерни ҳолатини кириш сигналларига боғликлигини ифодоловчи жадвал 1 б – расмда келтирилган. Бу нимани англатади, агар триггернинг ҳар икки киришига паст даражали кучланиш берилса, мисол учун икки тугмани бирданига босиб, ҳар икки чиқишларида юқори даражали кучланиш пайдо бўлади. Бундай ҳолат мантиқан триггернинг ишлашига тўғри келмайди, шунинг учун сигналларнинг бундай уйғунлашувига рухсат этилмайди.

S киришдаги паст даражали кучланиш ва R киришдаги юқори даражали кучланиш уйғунлашуви триггерни бирламчи ҳолатга келтиради, тескари уйғунлашув эса нол ҳолатга олиб келади. Иккала киришда ҳам юқори даражали кучланиш (мантикий 1) ҳосил бўлса триггерни ҳолати ўзгармайди. Буни жадвалдаги x белгилар кўрсатиб турибди.

Жадвалнинг амалий томондан ҳаққонийлигини текширамиз. Юқори даражали кучланишга мос кириш импульслардаги узатишни, SB1 ва SB2 контакт тугмаларини ажратиш орқали ифодалаймиз (имитировать).

Рақамлии маълумотларни сакловчи уялар сифатида RS триггерлари кенг қўлланилади, худди хотира элементлари сифатида. Улар турли хил радиоҳаваскор қурилмалар, электрон автоматларда ишлатилади.

*ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ*